

Xabar

1
(902)-son
1-yanvar
www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz
2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqqan boshlagan

Янги – 2010 йил муборак бўлсин!

Мана, юртимизга янги – 2010 йил ҳам кириб келди. Дилларда байрам қувончи, шукуҳи ҳукмрон.

Ўтган йил мамлакатимиз тарихига Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб битилди. Қишлоқларимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу эзгу ишлар давом этмоқда. 2009 йилда Мустақиллигимизнинг 18 йиллигини, пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонладик. Янги бунёд этилган “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш жуда кўтаринки руҳда ўтди. Ана шу тантанада юрtdошларимиз қатори хорижлик меҳмонлар ҳам қатнашиб, қувончимизга шерик бўлишди. Айниқса, молиявий инқироз кўлаб мамлакатларнинг иқтисодийётига жиддий таъсир кўрсатаётган бир пайтда биз танлаган тараққиёт йули мамлакатимизни бу иқтисодий бўҳрондан қийинчиликларсиз олиб ўтаётганини халқаро молия муассасалари мутахассислари ҳам эътироф этишмоқда.

2010 йил – Баркамол авлод йили. Ушбу йил олдимизга катта вазифалар қўйиб, зиммамизга улкан масъулият юкламоқда. Белни маҳкам боғлаб, шижоат билан ишга киришсак ана шу улғвор вазифаларни амалга оширишимиз осон кечади. Бунинг учун мамлакатимизда барча имкониятлар яратилган. Фақат меҳнат қилишимиз, шарт-шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланмоғимиз лозим.

Хурматли юрtdошлар! Янги йилнингиз муборак бўлсин. Хонадонингизда тўю томошалар, қувонч ва шодлик кўп бўлсин. Жонажон юртимиз янада гуллаб-яшнасин!

“Xabar” газетаси жамоаси



Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати

АРЧА

Тўйдаги қизлардай ясанибсан соз,
Ялт-юлт безакларга кучоқ очибсан.
Уйнинг ўртасида шукуҳли, мумтоз,
Титроқли шуълалар ҳар ён сочибсан,

Қайда униб-ўсдинг, эй яшил япроқ,
Қайда тенгсиз гурур бахт этган маскан.
Кўрку чирой берган жонажон тупроқ,
Қаддинг тик тутмоқни ўргатган Ватан.

Бари олисларда қолди, арчажон,
Кечикмайин дея шошиб келдинг сен,
Дийдор кўришмоққа мен билан шодмон,
Тоғу дарёларни ошиб келдинг сен.

Балки маъюслирсан, кўнглингда туман,
Балки туққан еринг соғинчи қўйма.
Ва лекин қаршингда ўзга аржуман,
Жамолинга боқар, боқар-да, тўйма.

Ажиб фидойисан, эй ёрқин тимсол,
Ажиб ҳикматлисан, эй сулув дарахт!
Ўзингни унутиб эзгу қалб мисол,
Ўзгалар кўнглига солурсан фарах!

Шу важким, тўзмагай ҳуснинг арчажон,
Шу важким, буқилмас сенда ади қад.
Шу важким, тоабад тургунча жаҳон,
Сўлмас ёшлик берган сенга табиат!



Алоқа оламида:

Сўнгги янгилик!

Toshiba компанияси мобил телефон фойдаланувчилари учун ажойиб янги йил совғасини тортиқ этди. Компания ишлаб чиқарган мобил таржимон дастури телефонга ўрнатилса инглиз, япон ва хитой тилларида сўзлашувчилар учун ҳатто бир-бирларининг тилларини билмасалар ҳам мулоқот қилиш имконини беради.

Дастурга “эшитувчи” ва тушунувчи махсус мобил синтезатор ўрнатилган бўлиб, реал вақт тартибида гапни таржима қилиб сўхбатдошга узатади.

Янгилик Windows Mobileга асосланган Toshiba TG1 смартфонда синовдан ўтди.



Ушбу сонда:

- Веб-сайтларнинг аҳволи қандай? 2
- InfoCOM.UZ голибларни маълум қилди 3
- Международный проект 6
- Янги лойиҳа: Электрон нашрларга обуна 12
- Янги йилнинг хилма-хиллиги 14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider

— сифат рамзидир

Jumadan Jumagacha

➔ HAY'AT YIG'ILISHIDA

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Хай'ат мажлиси бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директори, Хай'ат раиси Х.Мухитдинов бошкарди.

Веб-сайтларнинг ахволи қандай?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 28 декабр куни Оқсарой қароргоҳида Қирғизистон Республикаси Бош вазири Данияр Усеновни қабул қилди.

Суҳбат чоғида ўзаро манфаатдорликка асосланган икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ва бошқа муҳим масалалар муҳокама этилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

2009 йил 27 декабр куни мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 27 декабр куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар кенгашига сайлов ўтказувчи 644-сайлов участкасида овоз берди.

Пойтахтимизда 28 декабр куни Савдо иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Қирғизистон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида Республика хотин-қизлар кўмитаси, Миллий олимпия кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида “Спорт маликаси — 2009” кўрик-танлови ўтказилди.

Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида “Келажак овози” республика танловининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Мухтор Ашрафий номидаги Бухоро санъат коллежи ўқитувчиси Фаррух Акрамов Швейцарияда ўтказилган халқаро композиторлар танловида иккинчи ўрин ва махсус диплом билан тақдирланиб, 2010 йилда Грузияда бўлиб ўтадиган халқаро фестивалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Италиянинг Казерта шаҳрида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тақдимоти ўтказилди. Тақдимотда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, мамлакатда туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, ўзбек халқининг бой маънавий ва маданий мероси, шунингдек, сайёҳлик инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Мажлисида “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналари веб-сайтларининг ҳолати ва уларни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида”ги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан “UZINFOCOM” маркази директори Ж.Раҳимов ахборот берди.

“UZINFOCOM” маркази томонидан 2008 йилдан бошлаб алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналари веб-сайтларининг мониторинги олиб борилмоқда. Мониторинг натижалари ўрнатилган муддатларда Агентликка маълумот учун тақдим этилмоқда.

2009 йилнинг 21 декабрида ўтказилган мониторинг натижалари соҳадаги жами 27та корхонанинг 25тасида веб-сайт мавжудлиги ва интернет тармоғида жойлаштирилганлигини кўрсатди. Иккита ташкилот — “Алоқинвест” ОАЖ ва Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг марказининг веб-сайтлари яратилмаган.

2009 йилнинг 11 ойи давомида веб-сайтларга ўртача кириш мумкинлиги даражаси 90,7 фоизни ташкил этди. Энг юқори натижа (92 фоиз) апрел, май, июн, июл ва ноябр ойларида, энг паст натижа (86 фоиз) эса октябр ойида кузатилади.

Мониторинг ўтказилган даврда 25та веб-сайтдан 3таси (Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши, “Ўзсвязь-спутник” ИИЧК ва “Алоқалойиҳа” ОАЖ) ишламаган.

Веб-сайтларга киришлар сони веб-сайтнинг рейтингини ва аҳамиятини белгилаб берувчи муҳим кўрсаткич бўлиб, уни миллий қидирув тизими — WWW.UZ ҳисоблагичи орқали аниқлаш мумкин. Мисол учун, соҳадаги веб-сайтлар ичида бир ойда энг кам киришлар сони “Гранит” ИИЧК, ЎзРЧДК ва “Ўзимпэк-

салоқа” ЁАЖ корхоналарида кузатилган бўлиб, бир ойдаги ўртача киришлар сони мос равишда 16 ва 20тани ташкил этади. Энг кўп киришлар сони эса ЎзААА, “UZINFOCOM” маркази ва “Ўзбектелеком” АК веб-сайтларида кузатилган. Ушбу сайтларга бир ойдаги ўртача фойдаланувчиларнинг киришлари сони мос равишда ЎзААА (4770), “UZINFOCOM” маркази (2316) ва “Ўзбектелеком” АК (2021)тани ташкил этади.

Веб-сайтларга қўйиладиган яна бир муҳим талаб — веб-сайтдаги маълумотлар бир ҳафтада камида бир марта янгиланган бўлиши керак. Ваҳоланки, шу йилнинг 21 декабр ҳолатига кўра “РРТМ” ДУК веб-сайтида охириги маълумот шу йил 23 октябрда, АКТни ривожлантириш жамғармасида 10 июнда, Махсус авария-тиклаш бошқармасида 24 августда, “АЛСКОМ” суғурта компаниясида 4 сентябрда қўйилган.

Давлат интерактив хизматлари ЎзААА, “UZINFOCOM” маркази, “Ўзбектелеком” АК, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ, ЎзРЧДК ва Республика ахборот-кутубхона маркази сайтларида кўрсатилди.

Мониторинг натижалари веб-сайтларни яратиш ва ривожлантириш учун харажатлар сметасида алоҳида молиялаштиришнинг мавжуд эмаслиги, уларни ахборот билан таъминлаш ва янгиланган бориш даврийлиги ва он-лайн хизматларини кўрсатишнинг талаб даражасидан пастлиги, веб-сайтларни оммавийлаштиришнинг суствлиги, веб-сайтларни яратиш, уларни безашда ягона шакл ва усулнинг йўқлиги, сайтлар архитектурасининг тарқоқлиги каби муаммолар бўрлигини кўрсатди.

Хай'атда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш масалалари, бу борда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда интернет тармоғидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат органларида дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Йиғилишда мазкур йўналишда тайёрланаётган ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама қилинди ва уларнинг ижроси юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги энг сўнгги янгиланган ёритиб бориш бўйича бюллетени концепцияси маъқулланди. Мазкур бюллетен 2010 йилнинг январ ойидан бошлаб нашр этилиши кўзда тутилган.

Юртимизда мобил алоқа бозори изчиллик билан тараққий этмоқда. Йиғилиш иштирокчилари мобил алоқа бозори, рақобат даражаси, компанияларнинг ривожланиш ва инвестицияларни жалб этиш режаларини кўриб чиқдилар ҳамда ушбу соҳани янада ривожлантириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2010 йилда мўлжалланган иш режаси лойиҳаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди. Барқамол авлод йили муносабати билан қабул қилинадиган давлат дастурида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилиши, унда қўйилган вазифаларни мазкур иш режада акс эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида тегишли қарорлар қабул қилинди.

ИЖРО ИНТИЗОМИ

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сурхондарё филиалида ижро интизомига бағишланган ўқув-семинари ўтказилди. Унда филиалнинг барча почта алоқаси тармоқларидаги иш юритувчилар иштирок этишди.

Семинарда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар муражаатлари тўғрисида”ги қонуни ва кейинги йилларда эълон қилинган меъёрий ҳужжатларга амал қилишнинг аҳволига эътибор қаратилди. Шу билан бирга, тармоқ бошқарувига келган хатлар билан ҳамда архив ҳужжатлари асосидаги ишлар атрофлича ўрганилди. Машғулотларни филиал мутахассислари Адолатхон Холлиева ва Ойбахор Қорабоевалар олиб боришди.

Қатнашчилар ижро интизоми амалиёти юзасидан ўзаро тажриба алмашишди.

АМАЛИЙ ИШЛАР

“Сурхондарё Телеком” филиали жамоаларида кузги-қишқи мавсум муваффақиятли ўтмоқда. Ўз вақтида бажарилган амалий ишлар ходимларнинг унумли меҳнат қилишида катта аҳамият касб этипти. Дарҳақиқат, 2009 йилда ўн уч банддан иборат мавсумолди режаси ижросига асосий эътибор қаратилди. Натижада 6 миллион 700 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари удаланди. 1,5 километр каналлизация тозаланди. Шўрчи, Жарқўрғон, Ангор, Қумқўрғон ва Денов телекоммуникациялар боғламаларида ишлаб чиқариш ва дам олиш хоналари таъмирланди. Автохизмат бўлими маъмурий биноси мукамал таъмирдан чиқарилди. Филиал боғламаларидаги 50 нафар электромонтёр махсус иссиқ кийим-бош билан таъминланди.

Нортожи ЗИЕВ



InfoCOM.UZ

Ғолибларни маълум қилди

Маълумки, InfoCOM.UZ журнали Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмағида “Мақола ёз — ASUS ноутбуки эгаси бўл” танловини эълон қилган ва ғолибларга тадбир ҳомийлари — ASUS Technology ҳамда SDC FZE компаниялари совғалари — ноутбуклар тақдим этилишини маълум қилганди.

Танлов ниҳоясига етди: 29 декабр кuni Тошкентдаги Алоқа тарихи музейида тақдирлаш маросими ўтказилди.

Демак, ғолиб ва совриндорлар билан танишинг:

Биринчи номинация — “InfoCOM.UZ журнали учун 2009 йилнинг ахборот-коммуникация технологиялари тўғрисидаги энг яхши мақола” (катталар ўртасида):

1-ўрин: Бехзод Саидов (Тошкент иқтисодиёт университети аспиранти, “Ўзнетда саводсизлик муаммолари ёки ўзбек тилидаги сайтларда тилга бўлган эътибор” мақоласи).

1-ўрин: Баҳром Йўлдошев (Ангрен шаҳридаги 34-мактаб-интернат ходими, “Использование автоматизированного рабочего места “Логопед” в логопедической практике” мақоласи).

2-ўрин: Абдувоҳид Ҳамидов (Тошкент ахборот технологиялари университети “Физика” кафедраси ассистенти, “Таълим тизимида кескин бурилишга сабаб бўлган 4 дастур ҳақида” мақоласи).

3-ўрин: Елена Ивановженко (журналист-фрилансер, “IT-технологии и взрослые люди” мақоласи).

Иккинчи номинация — “Талабалар томонидан ёзилган 2009 йилнинг ахборот технологиялари тўғрисидаги энг яхши мақола”:

1-ўрин: Рамил Исломов (Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг 2-босқич магистри, “Кризис юного возраста, или что гложет узбекскую вики” мақоласи).

2-ўрин: Асрор Зокиров (Тошкент ахборот технологиялари университетининг 3-босқич талабаси, “Веб-сайтларнинг ишлашини тезлаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари. InfoCOM.UZ сайтининг камчиликлари ва уларни бартараф этиш усуллари” мақоласи).

3-ўрин: Анора Раҳимова (Тошкент Тиббиёт академиясининг 6-босқич талабаси, “Телемедицина в Узбекистане — путь прогресса” мақоласи).

3-ўрин: Артём Пулявин (Ўзбекистон Миллий университетининг 2-босқич талабаси, “Оптимизируем? Под УзНет” ва “Хлеба для вебмастера!” мақолалари).

Учинчи номинация — “Мактаб ўқувчиси ёзган 2009 йилнинг ахборот технологиялари тўғрисидаги энг яхши мақола”. Ушбу йўналишда фақат битта мақола тахририят талабига жавоб берди:

2-ўрин: Дурдона Аҳмедова (Тошкент шаҳри, Ҳамза туманидаги 170-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси, “Мен физика фанини қандай ўргандим?” мақоласи).

Шунингдек, фаол иштирок этган бир гуруҳ муаллифларга танловнинг рағбатлантирувчи дипломлари топширилди.

Ўз мухбиримиз

2009 йилда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Фарғона шаҳрида барпо этилган Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг янги биносини бориб кўрди. Янги бино гоёта муҳташам, ўқув жиҳозлари ва таълим жараёнида фойдаланиладиган замонавий техник воситалар билан тўла жиҳозланган. Ахборот-ресурс, компютер ва тил ўргатиш марказлари мавжуд. Талабалар ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланади.

ЭНГ НАМУНАЛИ АРМ

Марғилон шаҳридаги Манший хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежида “Энг намунали ахборот-ресурс маркази” ҳамда “Энг яхши китобхон” кўрик танлови ўтказилди.

Танловда ўқувчилар “Ифодали ўқиш”, “Менинг қахрамоним”, “Эркин мавзу” шартлари ҳамда шоирлар ҳаёти ва уларнинг асарлари юзасидан саволларга атрофлича жавоб қайтаришди.

“Энг намунали АРМ” номинацияси 1-тиббиёт коллежи, “Энг яхши китобхон” номинацияси педагогика коллежи, “Энг фаол китобхон” номинацияси академик лицей, “Энг яхши кўрғазма” номинацияси 2-тиббиёт коллежи ўқувчиларига насиб этди. Совриндорларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

CIBGROUP — янги интернет-нашр

Янги йил арафасида “CIB GROUP” компанияси, юртимиз ва хорижда АКТ ривожланишини янада кенгрок ёритиш мақсадида интернет тармоғида янги лойиҳа — “CIB.UZ” ахборот-таҳлилий интернет-нашрини ишга туширди. Ушбу нашр www.cib.uz манзилида жойлашган.

Нашрнинг мақсади барча манфаатдор шахсларга ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги долзарб ахборот ресурсларининг тўлиқ мажмуасидан фойдаланиш имконини беришдир.

“CIB.UZ” наشري кенг ўқувчилар доирасига АКТ бозорига оид энг сўнгги янгиликлар ва долзарб материалларни тақдим этади.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда қуйидаги омилар инобатга олинган:

Кенг қамровлилик — берилаётган янгиликлар ва таҳлилий материаллар иқтисодиётнинг АКТ

воситалари қўлланадиган барча тармоқларини қамраб олади. Нашрнинг географик қамрови фақат Ўзбекистон билан кифояланиб қолмайди.

Асосий аудитория эҳтиёжларига йўнатилганлик — аудитория талабларига мувофиқ маълумотларни тезкор тақдим этиш.

“CIB.UZ” қуйидаги бўлимларга эга: Янгиликлар, Таҳлил, Нашрлар ва Кутубхона.

Янгиликлар ва Таҳлил бўлимлари Ўзбекистон ва жаҳон АКТ соҳасида рўй берган сўнгги янгиликлар ва амалга оширилган тадқиқотлар билан таништирилади. Нашрлар бўлимида АКТ бозорига оид дол-

зарб янгиликлар ва таҳлилий материалларни ўз ичига олган “ICTNEWS” алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ахборот-таҳлилий бюллетенига обуна бўлиш мумкин. Сайтининг Кутубхона бўлими эса ўқувчиларни энг сўнгги илмий-техник китоблар ва мақолалар билан таништирилади. Бундан ташқари, сайтдан фойдаланувчиларга унда ўз мақолалари ва материалларини жойлаштириш имконияти берилади.

Ушбу лойиҳа БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон ривожланиши учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига кўмак бериш” лойиҳаси (ICTP) ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг “UNICON.UZ” ДУК кўмағида амалга оширилди.

“CIB GROUP” компанияси жамоатчилик билан ишлаш хизмати

Xalqaro haqot

ХАМКОРЛИКДА ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ КУРИЛАДИ

Жанубий Корея ва Бирлашган Араб Амирликлари атом электростанцияси куриш бўйича ўзаро шартнома имзолашди.

Киймати 20,4 миллиард АҚШ долларига тенг ушбу келишувга асосан Корея электроэнергия корпорацияси 2020 йилга қадар Абу-Даби шаҳри яқинида тўртта электроблокни ишга тушириши керак. Биринчи реакторни 2017 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МАЪКУЛЛАНДИ

АҚШ Сенати мамлакат мудофаа вазирлигига 2010 йил учун бюджетдан 626 миллиард доллар миқдориди маблағ ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъкуллаган.



Мухокама жараёнида 88 сенатор бунга рози бўлган, 10 нафари эса қарши овоз берган. Шу тариқа келаси йил мазкур соҳага бериладиган маблағнинг 128 миллиард доллари Ироқ ва Афғонистонда олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатларни молиялаштиришга йўналтирилади.

ХУНРЕЗЛИК

Афина шаҳри марказида хунрезлик содир этилган.

AFP ахборот агентлигининг маълум қилишича, портловчи қурилма мамлакатдаги энг йирик суғурта компанияларидан бири — Ethniki Asfalistikki биносида ҳаракатга келтирилган. Ҳозирча қурбонлар ва жароҳатланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

ХИТОЙ ИҚТИСОДИЁТИДА ЎСИШ

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, жорий йилда Хитой иқтисодиётининг баъзи тармоқларида ўсиш кузатишган.

Яқунланган йилда Хитойнинг экспорт салоҳияти пасайган бўлса-да, ички бозордаги талаб сезиларли ошган. Хусусан, учинчи чоракда ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,9 фоизга ўсган. Шу боис мутахассислар бу борада йиллик ўсиш суръати саккиз фоиздан кам бўлмаслигини тахмин қилишяпти.



“АЛ-МАҲМУДИЯ 2” ГАРОВДА

Адан кўрфазидида сомалилик қароқчилар Яман давлатига тегишли юк кемасини гаровга олган.

“Ал-Маҳмудия 2” номли ушбу кемада беш кишидан иборат экипаж аъзоси бор эди. Яман мудофаа вазирлиги кемани озод қилиш учун зарур чоралар кўрилишини билдирди.


Интернет материаллари асосида тайёрланди

ТЕЛЕКОММУНИКАТСИЯЛАР

ҚИТЪАЛАР ТУТАШДИ

Япония ва АҚШни боғловчи Trans-Pacific Express Cable Network интернет кабели 28 декабр куни NTT телекоммуникациялар оператори томонидан ишга туширилди.

Компаниянинг маълум қилишича, янги магистрал нафақат бу икки мамлакат, балки Шимолий Америка ва Евроосиё худудиди тармоқ тизими ишчанлигини оширишга хизмат қилади.



ХАЙР, КЕКСАЛАР!

КТ телекоммуникациялар провайдери 5992 иш ўрни (штатнинг 16 фоизи)ни қисқартирди.

Муддатидан аввал пенсияга кузатиш рўйхатига асосан компанияда 15 йилдан кўп ишлаганлар ва 50 ёшдан ошганлар киритилди.

КТ Жанубий Кореядаги симли алоқа (90 фоиз) ва интернетга кенг полосали улиниш (42 фоиз) борасида етакчи, мобил алоқа хизматлари кўрсатишда иккинчи ўринда (31 фоиз) турувчи йирик компания ҳисобланади.

МОБИЛ АЛОҚА

ҲИНДИСТОНДА ЯРИМ МИЛЛИАРД АБОНЕНТ

Ноябр ойида Ҳиндистон операторлари базаси 17,7 миллион кишига кўпайиб, жами 500 миллиондан ошди.

Агар мамлакат аҳолисига қиёсландиган бўлса, ҳозир ҳар 100 ҳиндистонликнинг 43 нафари қўл телефондан фойдаланмоқда.

Мамлакатдаги энг арзон мобил тариф 1 сония учун 0,01 ҳинд рупийини ёки 0,2 центни ташкил этади.

IT-BIZNES

УЧТАСИ БИРДА

Европанинг йирик телекоммуникациялар оператори Deutsche Telekom телевидение, интернет ва мобил алоқа тармоқларини бирлаштиришга киришди.



INTERNET

САЙТЛАР СОНИ ҚАНЧА?

Netscraft компанияси 2009 йилнинг 1 декабрига қадар интернетдаги сайтлар сони 233 848 493тага етганини маълум қилди.

2009 йили интернетда 47 миллионга янги сайт пайдо бўлган, улардан 7 миллионтаси доимий янгиланишга ва ўз ташриф буюрувчиларига эга.

НЕМИС ВИКИПЕДИЯСИДА МИЛЛИОНИНЧИ МАҚОЛА

Википедия онлайн энциклопедиясида немис тилидаги мақолалар сони миллионлик довондан ўтди.

Бунгача бу марра фақат инглиззабонлар томонидан забт этилганди.

Эслатиб ўтаамиз, Википедияга биринчи немис мақоласи 2001 йили биохимик Магнус Манске томонидан жойлаштирилган эди.



WIKIPEDIA

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДИЕНИЕ ИНТЕРНЕТДА

Хитой марказий телевидениеси (CCTV) миллий интернет телеканал — CNTV.снни очиб арафасида турибди. У маҳаллий онлайн-видео бозоридида катта бурилиш ясаши кутиляпти.

Мамлакатда онлайн-видеога қизиқиш кун сайин эмас, балки соат сайин ошиб борапти. Youku.com, Tudou.com ва бошқа ресурсларнинг оммавийлиги сабаби ҳам шу. Энди телевидение ҳам бу жараёнга қўшилди.

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

ХАКЕР ОПЕРАТОРЛАР ТОМОНИДА

Немис компьютер муҳандиси ва собиқ хакер Керстин Нол жаҳондаги энг оммавий GSM мобил алоқа стандартидаги шифрлаш тизимини бузиш мумкинлигини маълум қилди. Унинг айтишича, тармоқларнинг суҳбатларини шифрлаш тизимида бир қатор фундаментал заифликлар мавжуд ва у яратган дастурий код уларга дахл қила олади.

Унинг тан олишича, мақсади айрим кимсаларга бировларнинг мобил суҳбатларини тинглаш имконини бериш эмас, аксинча, операторларга хатоларини кўрсатиш бўлган.



2009 йилда

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖда Электрон пул ўтказмалари тизимига 216та почта алоқаси объекти боғланди, биллинг тизимига уланган почта алоқаси бўлимлари сони 147тага етказилди, пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатувчи 177та терминал ўрнатилди.

2009 йилда

Алоқа тарихи музейининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Уч қаватдан иборат музей залларидан 400дан ортиқ соҳага оид экспонатлар, ашё ва коллекциялар жой олган.

Бизнинг анкета

1. Ўтган йили сиз ишлаётган корхонада қандай ўзгаришлар содир бўлди?
2. 2010 йилидаги режа ва истакларингиз.

Хиссамиз

Муроджон БОБОХОНОВ,
АТ "Алоқабанк"
Ахборотлаштириш
бошқармаси бошлиғи:



1. Яқунланаётган йил бошқармамиз учун ҳам катта ўзгаришлар йили бўлди.

Жумладан, Амалиёт бошқармаси қошида аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида тўртта янги жамғарма кассаси фаолият бошлаб, унда ягона баланс технологиясига асосланган «IABS» дастурий мажмуаси, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг биллинг тизими, ДУЕТ пластик карточкалари, коммунал тўловлар қабул қилиш ва PAYNET тўлов тизими дастурлари татбиқ этилди. Интернет ҳамда замонавий телекоммуникация технологиялари асосида дастурлар учун масофадан ишлаш имкониятлари амалда яратилди. Айрим алоқа корхоналарида эса пластик карточкаларга хизмат кўрсатувчи бта автомат Инфокиоск ва банккомат ўрнатилди. Инфокиосклар "ТШТТ" филиалининг маълумотлар узатиш тармоғи орқали банк ДУЕТ тизимига уланган. Бундан ташқари, «Мижоз-Банк» дастурида фойдаланувчи мижозлар сони 105тага етказилди. Юридик шахслар учун "Internet-banking" дастурий тизими амалиётга татбиқ этилиб, мижозларга интернет орқали ўз ҳисобрақамларидаги маблағларни бошқариш имконияти яратилди.

Хозирда "Алоқабанк" бошқаруви ва Амалиёт бошқармаси биноларини оптик толали кабел билан Марказий банк компютер тармоғи орқали боғлаш бўйича ишлар бошланган. Бу билан банкнинг икки биноси ўртасидаги компютер тармоғини ҳалқа усулида боғлашга эришилди, тармоқнинг бир йўналиши носоз ҳолга келганда, иккинчи йўналиш билан ишлаш имкони яратилди ва банк фаолиятини узлуксизлиги таъминланади.

Банкимизда шаҳарлараро телефон сўзлашувидagi харажатларни қисқартириш мақсадида замонавий IP-телефония тизими татбиқ этилгани ҳам ютуқларимизга мисолдир. Бу тизим айна кунда "Алоқабанк" бош биноси, Амалиёт бошқармаси, Фарғона ва Наманган вилоятларида ишга туширилган. IP-телефония тизими 2010 йилда банкнинг бошқа филиалларида ҳам татбиқ этилиши режалаштирилди.

Ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши борасида ҳам бир қатор ижобий натижаларга эришдик. Хусусан, банк амалиёт кунли маълумотлар базасининг қайта ишлатилишини, сақланиш хавфсизлигини юқори даражада таъминловчи диск массиви ва унга узлуксиз энергия манбалари, дастурий таъминотлар ҳамда 9та замонавий сервер ишга туширилди.

2. Албатта, келтирган мисоллар муваффақиятларимизнинг бир қисми ҳолос. Амалга оширилган ишларда озми-кўпми хиссам борлигидан қониқиш ҳиссини туйман. Чунки 1993 йилдан буён банк тизимида ишлаб келаётган бўлсам, "Алоқабанк"нинг Ахборотлаштириш бошқармасида меҳнат қилаётганимга ҳам ўн йилдан ошди. Ўтган йиллар давомида етакчи, бош мутахассис, бўлим бошлиғи вазифаларидан бошқарма бошлиғи лавозимига кўтарилдим. Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ алоқа ходимлари қатори Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Ўз касбининг устаси" белгиси билан тақдирланганим қилган меҳнатларим самараси деб биланам ва бу мени янада фаолроқ ишлашга ундайди.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиз АКТ соҳасида меҳнат қилаётган барча-барчани Янги йил билан сидқидилдан муборакбод этсаман.

Муваффақиятлар йили

Қурбоний ФАЙЗИЕВА,
Қарши почта алоқаси тармоғи
бошлиғи ўринбосари:



1. 2009 йил Қарши почта алоқаси тармоғи учун муваффақиятлар йили бўлиб қолиши билан аҳамиятлидир. Рақам ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2009 йилнинг 11 ойи якуни бўйича даромад ўсиш суръати, почта хизматларидан, жумладан, хат-хабарлар, обуна, коммунал тўловлар йиғими режага нисбатан ўтган йилнинг шу даврига қараганда бир неча фоизга ошганлиги эътиборга лойиқдир.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан "2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот коммуникациялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури"нинг бажарилиши бўйича Марказий ва 6 ҳамда 17-алоқа бўлимларида электрон почта жўнатмалари қабули йўлга қўйилганлиги ютуқ ва муваффақиятларимиз гарови бўлди. 2009 йилнинг 11 ойи давомида учта алоқа бўлими бўйича 688 млн. 389 минг 310 сўмлик электрон пул жўнатмалари қабул қилиниб, бошқа вилоятлардан келган электрон пул жўнатмаларидан 328 млн. 702 минг 814 сўмлик тўлов амалга оширилди. Бундан олинган даромад 32 млн. 808 минг 696 сўмни ташкил этди.

Тармоғимизга қарашли барча алоқа бўлимлари бўйича олдий ва телеграф пул жўнатмалари ўтган 11 ой давомида 815 млн. 168 минг 926 сўмни ташкил этиб, ундан 49 млн. 257 минг 700 сўм, шунингдек, бошқа вилоятлардан келган 459 млн. 876 минг 312 сўмлик тўлов амалга оширилди. Ҳар ойда 17507 нафар пенсионерга 2 миллиард 544 млн. 671 минг сўмдан ортиқ пенсия тўловини амалга оширяпмиз.

Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида алоқа бўлимларимиз замонавий коммуникация технологиялари билан таъминланяпти. Маълумотларнинг тезкор алмашинувини таъминлаш, электрон пул жўнатмалари тизимини кенгайтириш, марказлашган обунани ташкил этиш, "Биллинг" тизимини йўлга қўйиш ҳамда алоқа бўлимларида бўлаётган телефон сўзлашувларини камайтириш мақсадида интернет хизматидан фойдаланилмоқда.

2. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган тантанали маросимда янги йилнинг Баркамол авлод йили деб эътироф этиди. Янги йилда янги режалар, улкан вазифаларни адо этишдек масъулиятли ишларда соҳа ходимларига муваффақиятлар, куч-қувват, соғлиқ-омонлик доимо ҳамроҳ бўлаверсин!

Замонавий қурилмалар кишлоқда

Шермадат ШОМУРОДОВ,
"Сурхондарё Телеком" филиали
Жаркўрғон телекоммуникациялар
боғламаси бошлиғи:



1. Аҳил жамоамиз ўтган йилни барча иқдисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли яқунлашди. Энг муҳими, 3 минг нафардан кўпроқ мижозларга хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди. Бунда малакали мутахассисларимиз, электромонтёрлар ҳамда кабелчилар хизмати катта бўлди. Улар эл хизматига туну кун шай туришни одат тусига айлантиришган.

Кейинги пайтда замонавий электрон рақамли телефон хизмати билан қамраб олинган манзиллар доираси анча кенгайди. Туман маркази ва Қакайди кўрғони ҳамда Ҳамид Олимжон хўжалигида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув шохобчалари мунта-

зам ишлаб турибди. 2009 йилдан эътиборан, "Сурхон" кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли ўндан ортиқ маҳаллаларнинг аҳолиси ҳам тезкор хизмат қулайликларидан фойдалана бошлашди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида "Сурхон" алоқа бўлимига бир тўплам "Коинот ЭЛ-СГМ" русумли рақамли коммуникация қурилмаси ўрнатилди. Бу ишда боғламамиз бош муҳандиси Музаффар Бекнозов, мутахассислардан Комил Маматқулов, Аҳмадали Йўлдошевлар фаол иштирок этишди. Замонавий қурилманинг қўйилиши алоқа соҳаси фахрийларидан бири, бўлим электромонтёри Маммадихон Бўриев фаолиятида муҳим янгилик бўлди. Гап шундаки, энди у жаҳон андозаси даражасидаги хизмат имкониятлари кенглигини дилдан ҳис этиб турибди. Оптик толали кабел орқали бир-бирлари билан тез, воситасиз ва масофа

билмай боғланаётган мижозлар қувончи ҳамкасблари қатори Маммадихон акага ҳам кўтаринки кайфият бахш этмоқда.

2. Истиқлол шарофати билан йўлга қўйилган хориж технологияси асосидаги ҳамкорлик самаралари бизнинг соҳада ҳам ўз намоёнини топмоқда. Рақобат майдонида бўш келмасликка ҳаракат қиляпмиз. Биз хизмат кўрсатаётган қишлоқларда эса электрон рақамли телефон қўнғироқлари янграётган хонадонлар сони тобора кўпаймоқда. Улар учун хизмат сифатини яхшилаш билан бирга қўшимча хизмат турларини ҳам кенгайтиряпмиз.

Истаймизки, кутиб олган Баркамол авлод йили ҳам қутлуғ эзгу-мақсадларимизга қанот бахш этадиган давр бўлсин!

Жавобларни Н.ЗИЁЕВ,
А.ИСМӨЙЛОВ, У.ЙЎЛДОШЕВ эътиборини олиш.

Международный проект

Недавно зав.кафедры Ургенчского филиала Ташкентского университета информационных технологий доц. Г.Халлиева вернулась из научной командировки, с Санкт-Петербурга. Поездка была очень плодотворной и полезной для дальнейших реализаций намеченных целей.



Г.Халлиева в Санкт-Петербургском институте востоковедения

Санкт-Петербургская школа издавна известна своими уникальными достижениями в области востоковедения. Научно-исследовательская деятельность института, являющегося координатором всей востоковедческой работы в России, широко известна и пользуется глубоким уважением не только в нашей стране, но и далеко за ее пределами. Вот уже почти два столетия институт ведет плодотворную научную работу, способствующую освоению человечеством культурных и духовных сокровищ Востока, росту взаимопонимания и сближению между народами. Усилиями его сотрудников стали доступными многочисленные литературные и исторические памятники, значения которых для мировой культуры трудно переоценить.

Все научные проекты СПбФ ИВ РАН в той или иной степени опираются на исследование письменных памятников на восточных языках, в первую очередь из коллекции восточных рукописей СПбФ ИВ РАН. Введение в научный оборот письменных памятников предполагает комплексное исследование их языка (текстологический анализ, историческая грамматика), содержания (литературные, исторические, религиозные аспекты и пр.), значения в истории культуры, отражения экономических, социальных, идеологических и культурных процессов. Публикация и исследование письменных памятников

обеспечивают развитие исторического, культурологического, историко-филологического знания о Востоке.

Ведется постоянная работа по сохранности фондов: Обеспыливание рукописей, шкафов и хранилищ, обновление этикетаж на шкафах и папках рукописей, поправки в шифровку и инвентарные номера, указанные на рукописях; рационализация пространства на полках в помещениях хранилищ. Проводится работа по распрямлению, разделению сцементированных листов, укреплению разрывов, восполнению утрат, соединению фрагментов рукописных материалов. Проводилась ИК-Фурье-спектроскопия сверхвысокого разрешения для разделения экспериментальных спектров бумаги на индивидуальные спектры ее компонентов с целью характеристики каждого из них. Проводилась электронная сканирующая микроскопия, фотофиксация всех консервационных процессов электронным и традиционным методами, изготовление охранной копии документа для бесконтактного изучения, хранения и дальнейшего пользования.

За 2008-2009 г. СПбФ ИВ (ИВР) РАН посетило более 55 иностранных ученых и специалистов из государств СНГ (Азербайджана, Казахстана, Кыргызстана, Узбекистана), стран Европы (Великобритании, Германии, Франции, Швеции и др.), США, Ин-

дии, Ирана, КНР, Южной Кореи, Японии; в большинстве случаев речь шла о краткосрочных визитах, целью которых была работа в рукописном фонде филиала.

Отметим, что для технической обработки и описания архивных и рукописных фондов в Секторе восточных рукописей и документов привлекаются научные сотрудники из соответствующих секторов, что фактически представляет собой внедрение современной формы организации НИР — временных научных коллективов, создаваемых для решения конкретных задач.

Постоянно принимаются меры по обновлению оборудования для технической обработки рукописных, архивных и библиотечных фондов за счет внебюджетных средств и международных грантов.

Продолжая исследования по теме «Изучение узбекской классической литературы российскими востоковедами XIX начало XX века» мы ещё раз убедились в том что, широчайший тематический диапазон научных инноваций, бережное сохранение бесценных памятников культуры восточных народов, подготовка высококвалифицированных кадров снижали в России и за рубежом высокое признание Санкт-Петербургского института восточных рукописей РАН и его учреждений.

Наш корр.

В НОВЫЙ ГОД С НОВЫМ USB-МОДЕМОМ "БИЛАЙН"!

В канун Нового года единый оператор связи "Билайн" представляет новую модель USB-модема ZTE MF 100 с поддержкой технологии 3G.

Корпус новинки стал еще меньше при сохранении всех уникальных возможностей и преимуществ популярного USB-девайса, работающего в диапазонах HSDPA/UMTS на 2100 МГц и EDGE/GPRS/GSM (850/900/1800/1900 МГц) при скорости до 3,6 Мб/сек. Кроме того, USB-модем оснащен индикатором состояния подключения и мощности сигнала, а также встроенным разъемом для карт памяти SD-микрo.

Комментируя появление ZTE MF 100, руководитель направления Beeline Business Иван Смоленцев отметил: «С развитием сетей 3G широкополосный доступ пользуется все большим спросом. Мы успешно реализуем услуги на базе USB-модемов уже второй год, и за это время тысячи людей стали пользователями мобильного интернета от "Билайн". В 2010 году мы планируем существенно расширить территорию покрытия сети 3G, что позволит вывести услугу "USB-модем Билайн" на качественно новый уровень».

USB-модемы незаменимы в поездках или, например, за городом, где зачастую нет других способов подключения к Всемирной сети. Они работают как в сетях 2G, так и в высокоскоростных сетях нового поколения — 3G. Через удобное меню пользователь может проверить свой баланс, пополнить счет, выбрать тарифные планы и подключать различные дополнительные услуги. Также абонент может отправлять и получать SMS-сообщения со своего компьютера. Стоимость подключения к услуге "USB-модем Билайн" составляет 119 000 сум с предоставлением 3G-модема. В комплекте с USB-модемом поставляется SIM-карта с льготным тарифом "Клик Модем", предназначенным специально для данной услуги.

Стоимость 1 Мб трафика в тарифном плане "Клик Модем" составляет всего 100 сум без абонентской платы.

Первый компьютер от Google

Британское издание IBTimes опубликовало попавшую в ее распоряжение информацию о том, что будет представлять собой первый персональный компьютер от поисковой корпорации.

Недорогой нетбук под брендом Google будет значительно отличаться от своих конкурентов, прежде всего своей аппаратной конфигурацией. Сердцем новинки станет процессор ARM, отличающийся от Intel Atom меньшим энергопотреблением, а за обработку графики будет отвечать видеочип NVIDIA Tegra второго поколения.

Также устройство будет оборудовано 2 Гб оперативной памяти и SSD-диск на 64 Гб. Нетбук будет иметь широкоформатный сенсорный экран с разрешением 1280 x 720 точек.

К стандартному для нетбуков набору интерфейсов — Wi-Fi, Bluetooth, GPS инженеры Google добавили поддержку сетей третьего поколения, что позволит владельцам устройства всегда иметь доступ в сеть (что неудивительно, ведь гаджет будет работать на базе браузерной операционной системы Chrome OS). Ожидается, что от одной зарядки компьютер сможет проработать от восьми до 12 часов.

Как утверждает IBTimes, первый нетбук поисковой корпорации появится в конце 2010 года.

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

Канадцы не выходят

из дома без мобильных

Мобильные телефоны популярны во всем мире, но иногда бывает интересно узнать «мобильные привычки» жителей отдельных стран. Сайт Canada One на основе опроса, проведенного Sympatico.ca, рассказывает о том, для чего именно используют мобильники канадцы. Почти половина из них (45%) не представляют, как выйти из дома без своего телефона. 52% опрошенных владеют мобильниками, причем у 50% — обычные телефоны, у 8% — смартфоны, а у 6% есть и то, и другое.


Все популярнее становится использование Интернета в мобильных телефонах — выйти в сеть через телефон любят 53% канадцев (на 20% больше, чем в прошлом году). Почти половина заходят на одни и те же сайты с мобильного и с домашнего/офисного компьютера. Каждый третий выходит в Интернет с мобильного из дома, а 27% — по пути на работу.

Реформа

за счет новых технологий

Премьер Госсовета КНР Вэнь Цзябао подчеркнул важность реферирования модели экономического развития за счет науки и техники. Он сказал, что в развитии экономики Китая существуют такие проблемы, как несбалансированность, несогласованность и неустойчивость. Для решения этих проблем необходимо урегулировать экономическую структуру. Самым важным является преобразование модели развития с помощью науки и техники.

Вэнь Цзябао призвал уделять повышенное внимание развитию «зеленой» и низкоуглеродной экономики, освоению природоохраных технологий, биофармацевтики Интернета. Премьер обещал продолжать диалог с пользователями Интернета перед открытием ежегодной сессии ВСНП, которая состоится в марте 2010 года.



2010-йил 1-январ
1 (902)-son

Хабарлар

СТС

05.55 Курсатувлар дастури.
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Йклим»
07.10 Миллий сериал: «Турмуш чоррақларида»
08.00 «Тахлинома»
08.45 - 09.45 «Машнавият» дастури
«Болалар сайёраси»:
09.45 «Болалар дунёси»
10.05 «Егни қорбобо» М/ф.
10.20 Миллий сериал: «Кичи зотга»
10.35 «Сизнинг адвокатингиз»
11.00 «Ахборот»
11.15 Миллий сериал: «Меҳрибоним»
11.50 «Очун»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Йклим»
13.00 Миллий кино: «Хотира рақиси»
14.00 «Ахборот»
14.20 «Ватанпарвар»
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Ер сайёраси»
15.55 «Шарқ тароналари»
16.10 «Очун»
16.20 «Менинг оилам»
16.40 «Икки дарё оралиғида»
17.00 «Ахборот»
17.15 «Сабхатга марҳаб!»
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар»
17.55 «Сизнинг адвокатингиз»
18.00 «Олтин мерос»
18.10 «Мияг биги ривоят»
18.15 Миллий сериал: «Умр манзаралари»
18.55 «Ватан манзиллари»
19.20 «ТВ - шифокор»
19.25 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/
20.10 Миллий сериал: «Хаёт жияалари»
20.45 «Ватанимни қуйлайман»
21.00 «Ахборот»
21.35 2010 йил - Баркамол аълод йили, «Мен ёшлиман»
21.50 «Муҳаббат вальси» Т/с. Премьера.
22.50 «Йклим»
23.00 «Мерлин» Т/с.
23.45 - 23.55 Тунги наволар. «Ўзбекистан»
23.55 Курсатувлар дастури.
24.00 «Ватанпарвар»
00.40 «Менинг оилам»
01.00 «Ахборот» /рус/
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 - 03.30 «Машнавият» дастури.
03.30 «Ватан манзиллари»
04.00 «Ахборот»
04.30 Миллий сериал: «Турмуш чоррақларида»
05.20 «Икки дарё оралиғида»
05.40 - 05.55 Тунги наволар.



06.55 Дастурнинг очилиши.
07.00 «Салом, ёшлар!»
07.30 «Даврнинг боласи»
08.00 «Мультитанорам»
08.10 Миллий сериал: «Умидинги сундирма»
08.35 Навоий вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Обод манзиллар»
08.55 «Телетуҳфа»
09.00 «Шероқ» Т/с.
09.50 «Ортимда Янги йил!»
09.55 «Ватан химоячилари»
10.00 «Келажак ағзалари»
10.10 «Бугундан эсдалик».

ДУШАНБА — 4 ЯНВАР

10.30 «Болаларга жониворлар ҳақида»
11.00 «Артур ва минипутлар»
12.25 «Олоддан оғо бўл!»
12.55 «Баркамол аълод-2010»
13.00 «ДАВР»
13.30 «Даврнинг боласи»
13.40 «Мультитанорам»
14.00 «Салом, ёшлар!»
14.30 «Шарқ гаҳарлари»
15.10 «Жаҳон операси»
16.00 «ДАВР»
16.10 «Даврнинг боласи»
16.20 «Кучуқча Рекс» М/с.
16.40 «Коракалпоқ ёшлари»
17.00 Миллий сериал: «Мадрида»
18.30 «Маънабат» Ҳақвия.
18.50 «UzEx»
18.55 «Ватан химоячилари»
19.00 «ДАВР»
19.30 Миллий сериал: «Умидинги сундирма»
20.05 «Баркамоллик сари»
20.10 «Автопароль»
20.30 «Yoshlar-FM»
21.00 «Телетуҳфа»
21.05 «Шероқ» Т/с.
21.55 «Ортимда Янги йил!»
22.00 «ДАВР»
22.50 Жаҳон киноси: «Такси»
23.50 «Йклим қантолари»
00.40 «Юрт тинчлиги».

ЎЗБЕКИСТОН

07.25 Курсатувлар тартиби.
07.30 «Салом, Тошкент!»
08.30 «Винни Пух» М/ф.
09.45 Миллий сериал: «Дил пайғамбири» 11-хисм.
10.15 «Саргузаштлар ороли»
10.25 «Карвонсарой»
10.45 «Уларим»
10.50 «Сехри тош» Т/с.
11.40 «Тошкентда латифа»
11.45 «Қизил қор ёқанда» Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» телестудияси.
15.00 «Пойтахт»
15.25 «Сехри тош» Т/с.
16.15 «Тирик сайёра» Оқ аёқлар Х/ф.
17.05 «Карвонсарой»
17.15 «Қизил гул» М/ф.
18.00 «Пойтахт»
